



ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАР РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИНИ РАВБАТЛАНТИРИШДА ОЗИҚАВИЙ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ РОЛИ.

Ҳ.С.Ўринов

Таянч докторант

О.У.Кулдашев

Илмий раҳбар в.ф.д.

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация:

мақолда Голштин зотли сигирлар репродуктив фаолиятига озиқавий премиксларнинг таъсири жумладан қондаги морфологик ўзгаришлар туғруқ жараёнининг кечиши ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: репродуктив, рағбатлантириш, ВИЛОФОСС, Реномих, премикс, акушер-гинекологик, тўғри ичак, биотин, темир, мис, марганес, ёд, кобалт, селен, калсий, магний, фосфор, натрий, хлор, олтингутурт.

Кириш Голштин зотли сигирларни сут маҳсулдорлиги юқори бўлганлиги туфайли, уларнинг организмида моддалар алмашинуви жадал кечади. Бу жараёни нормал кечиши учун организм қабул қилган озиқа моддалар таркибидаги витамин ва минерал моддаларнинг асосий қисми сарфланади натижада жинсий фаолиятнинг сусайиши кузатилиб алиментар бепуштликлар, акушер-гинекологик касалликларни ортиб боришига сабаб бўлади. Буларни олдини олишда витамин-минерал озиқавий қўшимчаларни қўллаш Голштин зотли сигирлар репродуктив фаолиятини рағбатлантириш, кам харажат, ресурс тежамкор усуллариини такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Сигирларнинг витамин ва минерал моддалар алмашинуви бузилиши касалликлари сабабларини ўрганиш мақсадида диспансерлаш ўтказиш натижаларига кўра ушбу касаллик оқибатида 9% сигирларда йўлдошнинг ушланиб қолиши, 7% хайвонларда бачадон субинволюсияси, 7-9%



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th March, 2025

ҳайвонларда тухумдонлар гипофунксияси аниқланган. Муаллифнинг фикрича сигирларда витаминлар ва минераллар алмашинуви бузилиши касалликлари кўпайиш органларининг касалликлари алиментар бепуштликларга олиб келишининг зўрайиши таъкидланган [2; 51-54-б, 3; 1301-1309-б].

Соғин сигирларнинг ёғда эрувчи витаминларга бўлган талаби қуйидагича: А витамини -10000-20000 ХБ 100 кг т/в, Д₃ витамини -1000 ХБ 100 кг т/в, Е витамини -100 ХБ. 1 бошга бир суткада. Муаллифнинг фикрича стресслар, юқори маҳсулдорлик, сақлаш шароитларининг ёмонлиги, ҳар-хил юқумли инфекцион, юқумли паразитар касалликларда ҳайвонларнинг витаминларга бўлган талаби ошади. Фақатгина кўк ўтлар ўзида витаминларни етарли миқдорда сақлайди. Озиқаларни консерватсия қилиб сақлаш (силос, сенаж ва б) таркибидаги витаминларни камайишига олиб келади [1; 63-64-б].

Текшириш усул ва материаллари. Илмий тадқиқот ишлари Бухоро вилояти Ромитан, Жондор ва Қорақўл туманларидаги чорвачилик фермер хўжаликларида тўқ бўғоз сигирлардан ва тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, акушер-гинекологик, тўғри ичак орқали ва УТТ (ултратовуш) текшириш, озиқавий қўшимчалардан олиб борилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Тажрибаларнинг бошида тажриба ва назорат гуруҳларидаги сигирларда клиник-физиологик кўрсаткичлар умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг ўзгариши (лизуха), шиллик пардаларнинг оқариши (анемия), тананинг айрим жойларида жунларнинг тўкилиши (алопесия), деярли барча сигирларнинг жинсий азоларидан суюқликларнинг келиб туриши, тери қопламаси ва туёқлар ялтироқлигининг пасайиши каби витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилишларига хос клиник белгилар кузатилган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳига нисбатан назорат гуруҳидаги сигирларда клиник-физиологик кўрсаткичларнинг салбий томонга ўзгариши кузатилди.

Сигирлар репродуктив фаолиятини рағбатлантиришда “ВИЛОФОСС” ва “Реномих” премиксларини ўрни ва аҳамияти шундаки “ВИЛОФОСС” премикси таркибидаги моддалар жинсий органлар фаолиятига ўзининг



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th March, 2025

иҷобий таъсирини кўрсатади. 1 кг “ВИЛОФОСС” нинг таркибида куруқ модда 98%, куруқ протеин 43,80%, хом ёғ 1,10%, калсий 14,56%, фосфор 1,00%, натрий 8,00%, магний 10,00%, витамин А МЕ 800.000.00, витамин Д₃ МЕ 100.000.00, витамин Э 5000.00 мг, витамин В₁ 20.00 мг, витамин В₂ 30.00 мг, витамин В₆ 25.00 мг, витамин В₁₂ 250.00 мг, витамин К₃ (МНБ) 20.00 мг, (витамин К₃) дан МНБ 11.00 мг, биотин (витамин Х) 100.000.00 мг, витамин В₃ 160,00 мг, витамин В₅ 70.00 мг, фолиний кислота (витамин В₉) 4.00 мг, мис 1.500.00 мг, мис сульфат пентагидрат 1.000.00 мг, Су глитсин хелат 500.00 мг, марганес 4.000.00 мг, марганес оксиди 3.000.00 мг, Мп-глицерин хелат 1.0000.00 мг, синк 6.000.00 мг, синк оксиди 4.000.00 мг, синк глитсин хелат 2.000.00 мг, ёд 100.00 мг, ёдат калсий 100.00 мг мавжуд.

Бизнинг тадқиқотимиздаги иккинчи озиқавий қўшимчамиз “Реномих” премиянинг 1 кг таркибида витамин А 800.000 ХБ, витамин Д₃ ХБ, витамин Э 4.000 мг, витамин ПП 12.000 мг, биотин (витамин Х) 90 мг, темир (Fe) 900 мг, мис (Cu) 600 мг, синк (Zn) 5.000 мг, марганес (Mn) 3.000 мг, ёд (I) 120 мг, кобальт (Co) 60 мг, селен (Se) 15 мг, калсий (Ca) 270.000 мг, магний (Mg) 1.000 мг, фосфор (P) 2.400 мг, натрий (Na) 800 мг, хлор (Cl) .250 мг, олтингугурт (C) 10.000 мгни ташкил қилади.

Таҷрибадаги тўққиз ойлик тўқ бўғоз сигирлар кунлик озиқасига ВИЛОФОСС ва Реномих озиқавий қўшимчаси 100 гр дан қўшиб озиқлантирилганда ҳайвонларнинг бўғозлик даври (меёр 240-310) 280-285 кунни ташкил қилди туғруқ жараёнининг кечиши 2-3 соатни ташкил қилган бўлса йўлдошнинг ажралиши таҷрибадаги сигирларда 6-8 соатни ташкил қилди. Биринчи таҷриба гуруҳидаги сигирларнинг умумий ҳолати меёрда бўлганлиги, туғиш жараёнининг энгил кечганлиги, ҳомиланинг соғлом туғилганлиги, сигирнинг бузоқга бўлган сезувчанлигини ва бузоқ ҳаракатчанлигининг юқоририлиги билан изоҳлаймиз. Иккинчи таҷриба гуруҳидаги сигирларда ҳам туғруқ жараёнининг энгил кечганлиги, сигирларда бузоқга нисбатан сезувчанлиги, бузоқларнинг ҳаракатчанлигининг юқоририлиги ва катта туғилганлиги таҷрибада аниқланди. Назоратдаги сигирларда эса 285-295 кунни, йўлдошнинг ажралиши 10-16 соатни ташкил қилиб туғруқ жараёнининг оғир кечиши билан йўлдошнинг ушланиб қолиши ҳам кузатилди. Назоратдаги



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th March, 2025

сигирлар ҳолати уларнинг ташқи таъсуротларга жавоб реакциясининг пастлиги, бузоқга бефарқлиги ҳайвонда туғруқдан кейин ҳам кучанишларнинг намоён бўлиши кучанишнинг юқоририлиги ҳисобидан бачадоннинг ташқарига чиқиши каби белгиларнинг намоён бўлиши тажрибаларда кузатилди. Буларнинг асосий сабаби организмда витамин ва минералларнинг камайиши билан ҳайвонда тўлғоқ жараёнида ўта кучли қўзғалиш натижасида стрессинг ҳосил бўлиши орган ва тўқима мускулларда кучли қисқаришнинг ҳосил бўлиши натижасида бачадоннинг ташқарига чиқиб кетиши намоён бўлди.

Ромитан туманидаги “Алишер Саховати”, қорамолчилик фермер хўжалигида (1-хўжалик) сигирлар қонидаги эритроцитлар сони тажриба бошида $4,85 \pm 0,02$ млн/мкл, бўғозлик даврининг 9 - ойида $5,6 \pm 0,05$ млн/мкл ни ташкил этди. Гемоглобин эса тажриба бошида $86,6 \pm 5,2$ г/л, бўғозлик даврининг 9 – ойида $90,3 \pm 7,2$ г/л ташкил этди, Тромбоцитларнинг сони тажриба бошида $367 \pm 2,6$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $387 \pm 5,6$ минг/мкл ни ташкил қилди, Лейкотцитлар эса тажриба бошида $9,9 \pm 0,8$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $9,5 \pm 0,5$ минг/мкл ни ташкил қилди.

Жондор туманидаги “Бўстон Назар” чорвачилик хўжалигида (2- хўжалик) сигирлар қонидаги эритроцитлар сони тажриба бошида $4,65 \pm 0,02$ млн/мкл, бўғозлик даврининг 9 - ойида $4,78 \pm 0,05$ млн/мкл ни ташкил этди. Гемоглобин эса тажриба бошида $76,5 \pm 5,5$ г/л, бўғозлик даврининг 9 – ойида $94,9 \pm 0,5$ г/л, ни ташкил этди, Тромбоцитларнинг сони тажриба бошида $360 \pm 6,2$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $379 \pm 5,6$ минг/мкл ни ташкил қилди, Лейкотцитлар эса тажриба бошида $9,9 \pm 0,8$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $9,8 \pm 0,05$ минг/мкл ни ташкил қилди.

Қорақўл туманидаги “Барҳаёт Муҳаммад Ражаб” чорвачилик фермер хўжалиги сут-товар фермасидаги (3-хўжалик) сигирлар тажриба бошида $4,68 \pm 0,05$ млн/мкл, бўғозлик даврининг 9 - ойида $4,96 \pm 0,02$ млн/мкл ни ташкил этди, Гемоглобин эса тажриба бошида $85,8 \pm 0,6$ г/л, бўғозлик даврининг 9 – ойида $92,8 \pm 5,1$ г/л, Тромбоцитларнинг сони тажриба бошида $378 \pm 5,3$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $380 \pm 5,7$ минг/мкл, ни ташкил қилди,



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th March, 2025

Лейкотситлар эса тажриба бошида $9,4 \pm 0,08$ минг/мкл, бўғозлик даврининг 9 – ойида $9,2 \pm 0,05$ минг/мкл ни ташкил қилди.

Хулоса:

Тажрибадаги 9 ойлик бўғоз сигирлар кунлик озиқасига ВИЛОФОСС ва Рономих озиқавий қўшимчаси 100 гр дан қўшиб озиқлантирилганда сигирларнинг бўғозлик даври 280-285 кунни, туғруқ жараёнининг енгил кечиши 2-3 соатни ташкил қилган бўлса йўлдошнинг ажралиши 6-8 соатни ташкил қилиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Германович Н.Ю., Румянцева Н.В., Котович И.В., Баран В.П. Биохимия витаминов. Уч.-мет. пособие для студентов вет. медицины и зооинж. фак-та / -Витебск: ВГАВМ, 2004. 36 с.
2. Крупин, Е.О. Профилактика нарушений обменных процессов и улучшение показателей воспроизводства у высокопродуктивных коров при круглогодичном однотипном кормлении и содержании Текст. : автореф. дис. . канд. вет. наук / Е.О. Крупин. Казан, 2010. 20 с.
3. Чапина, Н., С.Ж. ЛеБланс, М.Е. Сарсон, К.Е. Лесли, С. Годден, М. Сапел, Ж.Е.П. Сантос, М.В. Овертон, анд Т.Ф. Дюффиелд. 2012. Тхе ассосиатив оф серум метаболитес ин тхе транзитив период витх милк продутион анд еарлй-ластатив репродуктив перформанс. Ж. Даирй Сси. 95:1301-1309.
4. Скурихин В.Н. Методы анализа витаминов А, Е, Д и каротина в кормах, биологических объектах и продуктах животноводства / С. В.Шабаев // Химия. 1996. - № 6. 86 с.
5. Сапего В.И., Плященко С.И., Берник Е.В., Ляхов Е.Н. Профилактика нарушения обмена веществ у телят микроэлементами.// «Ветеринария» - 2005.№3. 46 - 48с.
6. Сапаров, О. Ж. (2023). ҚУЁНЧИЛИҚДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ БИОСТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ҚОННИНГ ГЕМОТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ (Адабиётлар тахлили). PEDAGOGS jurnali, 31(1), 185-188.



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th March, 2025

7. Уринов, Х., Колдошев, О., & Бобомуродов, Р. (2023). Микрофлора матки коров и ее чувствительность к антибактериальным препаратам при эндометрите. in Library, 3(3), 152-153.
8. Кулдашев, О., Оринов, Х., Бобомуродов, Р., & Кулдашев, О. (2024). Эффективность современных препаратов в профилактике гинекологических заболеваний у коров. in Library, 2(2), 275-278.
9. Кулдашев, О., Оринов, Х., Бобомуродов, Р., & Хамраев, Ш. (2024). Причины, лечение и профилактика алиментарного бесплодия коров. in Library, 2(2), 269-274.
10. O'Rinov, H. S., Salohiddinova, N. S., & Kuldashiev, O. U. (2024). GOLSHTIN ZOTLI SIGIRLAR REPRODUKTIV FAOLIYATINI RAG 'BATLANTIRISHDA QO 'LLANLADIGAN OZUQAVIY QO 'SHIMCHA "VILOFOSS" NI HAZM ORGANLARIDA BO 'LADIGAN FERMENTATSIYA JARAYONIGA TA'SIRI. Yangi O 'zbekiston ustozlari, 2(29), 60-63.
11. O'Rinov, H. S., Salohiddinova, N. S., & Kuldashiev, O. U. (2024). GOLSHTIN ZOTLI SIGIRLAR REPRODUKTIV FAOLIYATINI RAG 'BATLANTIRISHDA QO 'LLANLADIGAN OZUQAVIY QO 'SHIMCHA "VILOFOSS" NI HAZM ORGANLARIDA BO 'LADIGAN FERMENTATSIYA JARAYONIGA TA'SIRI. Yangi O 'zbekiston ustozlari, 2(29), 60-63.
12. Уринов, Х., Колдошев, О., & Хамраев, Ш. (2023). Факторы повышения выхода телят от коров. in Library, 3(3), 123-125.
13. Уринов, Х., Кулдашев, О., & Сапаров, О. (2023). Причины, лечение и профилактика симптоматического бесплодия у коров. in Library, 3(3), 385-389.
14. KHOLBAEVICH, R. F., OGLU, U. H. S., & ABDUHAKIMOVICH, Q. H. Thoughts on the Study of Endemic Icterohemoglobinuria Biochemical Mechanisms. JournalNX, 6(08), 6-9.
15. Уринов, Х. С. (2020). Теоретические предпосылки эндемической иктерогемоглобинурии у каракульских овец.
16. Уринов, Х. С. (2020). Изучение влияния некоторых витаминных препаратов на физиологическое состояние организма птиц.
17. Уринов, Х. (2020). Воины-самаркандцы на полях сражений Великой Отечественной войны.